

“Асака” банк филиаллари депозитарийларида депозитар ячейкаларни ижарага бериш Тартиби

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб “Асака” банк (кейинчалик матн бўйича – Банк) филиаллари депозитарийларида депозитар ячейкаларни ижарага бериш, улардан фойдаланиш қоидалари ва шартларини тартибга солади.

II. Депозитар ячейкаларни ижарага бериш

14. Депозитар ячейкаларни мижозларга ижарага бериш депозитар ячейкаларни ижарага бериш шартномасини (кейинчалик матн бўйича - ижара шартномаси) тузиш орқали амалга оширилади. Ижара шартномаси бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, бир нусхаси мижозда ва иккинчи нусхаси Банкда сақланади.

15. Юридик шахс билан шартнома тузилаётганда юридик шахс филиал бошқарувчиси номига депозитар ячейкани ижарага бериш тўғрисида илтимоснома хати ёзади ва ушбу илтимоснома хати Банк томонидан икки банк иш кунда кўриб чиқилади. Хатда юридик шахс томонидан вакил этиб тайинланган депозитар ячейкалардан фойдаланувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда уларнинг имзо намуналари кўрсатилиши шарт. Илтимоснома хати юридик шахс муҳри билан тасдиқланиши лозим. Депозитар ячейкалардан юридик шахсларнинг фойдаланиши камида икки кишидан иборат бўлган ҳолда амалга оширилади. Уларнинг бири бўлмаган тақдирда қимматликларни Банк депозитар ячейкаларидан олиш-топшириш қатъиян ман этилади.

16. Жисмоний шахс билан ижара шартномаси тузилаётганда жисмоний шахс филиал бошқарувчиси номига депозитар ячейкани ижарага бериш тўғрисида ариза ёзади. Бунда, жисмоний шахсдан имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган Варақча расмийлаштириш талаб этилмайди.

17. Мижозларга депозитар ячейкаларни ижарага бериш ҳақидаги шартлар билан танишиб чиқиш тавсия этилади.

18. Депозитар ячейкалардан фойдаланиш учун рухсат олингандан сўнг, депозит сейфлар сақланадиган жойда Банк ва мижоз томонидан ижара шартномаси тузилади.

19. Филиал операционисти (депозитарий мудири) Банк бошқарувчисининг рухсат резолюцияси қўйилган аризани ва ижара шартномасининг бир нусхасини олиб, юридик шахс вакилига имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган Варақчани расмийлаштириш учун топширади. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган Варақча расмийлаштирилгандан сўнг юридик шахс вакиллари ижара шартномасини имзолайдилар ва ижара шартномасига мувофиқ ижара ҳақини тўлайдилар.

20. Ижара муносабатлари ижара шартномаси ҳар иккала тараф томонидан имзоланганидан сўнг кучга киради.

21. Кейинчалик депозитар ячейкадан фақат шахсни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган ҳолда имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган Варақчада кўрсатилган юридик шахс вакиллари фойдаланиши мумкин. Агар

депозитар ячейка ижарачиси - юридик шахс Банк мижози бўлса ва депозитар ячейкадан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахслар рўйхати ва мижоз номидан ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахслар рўйхати билан бир хил бўлса, имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган Варақча талаб қилинмайди ва фақат унинг нусхаларидан фойдаланилади.

22. Ижара шартномасида депозитар ячейкаларидан фойдаланиш учун тўловни амалга ошириш қоидалари қайд этиб ўтилади, Банк ва мижоз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, томонлар жавобгарлиги, ячейкалардан фойдаланиш муддати ва бошқа шартлар келишилган бўлади. Мижоз томонидан ушбу бўйича ижара шартномасининг ҳар бир бети имзоланади.

23. Мижоз бошқа шахсга ишонч қоғози беришга ҳақлидир. Бунда нотариал идора томонидан тасдиқланган ишонч қоғозига эга бўлган ишончли шахсга ижарачи номидан қимматликлар ва ҳужжатларни депозитар ячейкаларга қўйиш ҳуқуқи берилади (ариза ижарачи номига расмийлаштирилади). Ишонч билдирилган шахс аризасига ишонч қоғозига кўра деган қайд билан имзо чекади.

24. Ишонч қоғози ижарачининг аризаси билан бирга унинг йиғмажилдида сақланади. Ишонч қоғози муддати ижарачининг хоҳишига кўра белгиланиб, уч йилдан ошмаслиги керак.

III. Депозитар ячейка тўлови

25. Депозитар ячейкаларни ижарага олиш ҳақининг миқдори ва даври Банк Тарифларига мувофиқ ижара шартномаси асосида белгиланади.

26. Мижоз томонидан депозитар ячейкаларни ижарага олиш ҳақини тўлаш муддати бир ойдан кўпроқ муддатга кечиктирилса, ижара шартномасида кўзда тутилган миқдорда, яъни ҳар бир кечиккан ой учун муддати ўтган тўлов суммасининг 10 фоизи миқдорида пеня ундириб олинади.

27. Ижара шартномасида кўрсатилган муддат тугаганида ёки бекор қилингандан сўнг мижоз депозитар ячейкани ўз вақтида бўшатиб бермаса, ҳар бир кечиккан кун учун ойлик ижара ҳақининг 10 фоизи миқдорида пеня тўлаши лозим, ҳамда «Банк»нинг бу вақтга қадар вужудга келган зарарларини қоплаши лозим.

28. Ижара ҳақи нақд пулда (пластик карта) касса орқали ёки Ижара шартномасида кўрсатилган Банк ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан тўланади. Филиал буйруғи билан тайинланган масъул бухгалтерия ходими ижара шартномаси шартлари асосида ижара тўловларини ҳисоблаб, балансда акс эттириши ва ҳар ойнинг якунида амалдаги Солиқ кодекси асосида икки нусхада ҳисобварақ-фактура расмийлаштириши ҳамда бир нусхасини мижозга тақдим этиши шарт.

29. Депозитар ячейка муддатидан олдин бўшатилса, ортиқча киритилган сумма мижозга қайтарилмайди.

IV. Депозитарийга кириш

30. Депозитар ячейкаларни ижарага олиш бўйича барча ҳужжатлар тўлдириб бўлинганидан сўнг, мижоз депозитарийга йўл олади. Депозитарий мудири мижозга депозитар ячейкасида фойдаланиш қоидалари билан таништиради. Мижоз паспорт, тўловни амалга оширганлиги тўғрисидаги

квитанция ва ижара шартномасини тақдим этганидан сўнг депозитарий мудирини унга депозитар ячейкасининг рақамланган калитини топширади.

31. Калитни олганлиги тўғрисида миждоз аризада ва миждозларнинг банкка келиб-кетишини рўйхатга олиш дафтарига имзо чекади. Миждозларнинг банкка келиб-кетишини рўйхатга олиш дафтари рақамланган, тикилган ҳамда филиал раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

32. Депозитарий мудирини миждозни депозитарий ичига кузатиб қўяди ҳамда депозитар ячейкаси 2 та калит (миждоз калити ва Банк калити (мастер-калит)) билан очилади. Депозитар ячейка билан танишиб чиқилади, калитларнинг созлиги текшириб кўрилади. Миждоз депозитар ячейкада бегона буюмлар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, депозитарий мудирини ўз калитини олиб, миждозни бойликлар билан ишлаши мумкин бўлган жойга кузатиб қўяди. Шундан сўнг депозитарий мудирини миждозга чақирув тугмасини кўрсатиб хонадан чиқиб кетади. Лекин у миждозни маълум масофада туриб кузатиб боради.

33. Депозитарий мудирини мақсадсиз фойдаланилаётган депозитар ячейкаси учун миждоздан қўйилаётган буюмларни кўрсатишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Бойликлар билан ишлаш ниҳоясига етказилганлиги ҳақида хабар келганидан сўнг, депозитарий мудирини ва миждоз депозитар ячейкаси томон келадилар ва ҳар бирлари уни ўз калитлари билан қулфлайдилар, шундан сўнг депозитарий мудирини миждозни депозитарий хонасидан чиқиш учун кузатиб қўяди ҳамда депозитарийнинг умумий эшикларини ёпади.

35. Миждоз кейинчалик депозитарийга келган вақтида депозитарий мудирини паспорт ва охириги ойдаги тўловни амалга оширганлиги тўғрисидаги квитанцияни кўрсатади. Агар тўлаш муддати ўтиб кетган бўлса, ижара шартномасининг талабларига биноан миждоздан қўшимча равишда ҳақ ундириб олинади.

36. Миждозларнинг депозитарийдан фойдаланиши Банкнинг миждозлар билан ишлаш вақтига қараб белгиланади.

37. Депозитарийдан бир вақтнинг ўзида иккита миждоз фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

38. Миждоз депозитарийга келган вақтида депозитарий мудирини қуйидагиларга амал қилиши лозим:

- миждоздан тўловни амалга оширганлиги тўғрисидаги квитанция, шунингдек паспорт ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжатни текширади ҳамда имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган Варақча (юридик шахслар учун), ва паспорт маълумотларини Банкка берилган маълумотлар билан солиштиради;

- депозитар ячейкани очиш учун ишонч қоғози кўрсатилган тақдирда, муддати ўтмаганлигини текширади, миждознинг ишончномадаги имзо намуналари ижара шартномасидаги имзо намуналари билан мос келишини солиштиради ҳамда ушбу ишончномага ишонч билдирилган шахснинг паспорт маълумотларини белгилаб қўяди;

- ҳужжатлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилса ва тўлиқ мос келса, миждозларнинг банкка келиб-кетишини рўйхатга олиш дафтарига имзо қўяди.

V. Жавобгарлик ва суғурталаш

39. Банк ва мижоз ижара шартномаси шартларига мувофиқ белгиланган жавобгарликларни олиб борадилар.

40. Банк амалдаги қонунчиликка асосан банк сирини сақлаши лозим.

41. Агар мижозга суғурта таъминоти керак бўлса, у суғурта ташкилоти билан суғурта шартномаси тузиши мумкин.

42. Банк розилигисиз учинчи шахсларга депозитар ячейкани топшириш ман этилади.

43. Депозитар ячейкани ижарага беришда қимматликлар келтирилган қўйилмалар рўйхати олинмайди.

Мижоз томонидан ижарага олинган депозитар ячейкага жойлаштирилган ҳужжатлар ва қимматликлар бутлигига Банк жавоб бермайди.

44. Депозитар ячейкадан мақсадсиз фойдаланиш ҳолларда мижоздан ойлик ижара тўловининг 100 фоизи миқдориди жарима ундирилиши лозим.

45. Шартнома муддати ўтгандан сўнг мижоз томонидан ўз вақтида депозитар ячейка бўшатилмаган ҳолларда, мижоз ижара шартномаси мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида Банкка етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

VI. Ижара муносабатларини тўхтатиш

53. Мижоз ўз хоҳишига кўра шартномани ёзма аризасига асосан муддатидан олдин бекор қилиши мумкин.

54. Мижоз ўрнатилган тартиб асосида депозитар ячейкадан ўз буюмларини қайтариб олади ва калитни депозитарий мудирига топширади.

Депозитарий мудир калитнинг топширилганлиги тўғрисидаги маълумотни мижозларнинг банкка келиб-кетишини рўйхатга олиш дафтарига ёзиб қўяди. Депозитарий мудир мижоздан ижара шартномасини қайтариб олади ҳамда ушбу шартноманинг орқа тарафига калитни депозитарий мудирига топширганлигини ва Банкка нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини тасдиқлатиб олади.

56. Ижара тўловларидан қарздорлик (ижара шартномасида кўрсатилган тўлов муддатидан кетма-кет 2 ойдан ортиқ) Банк томонидан ижара муносабатларини тўхтатишга сабаб бўлади. Бундан аввал мижоз ёзма равишда огоҳлантирилади ҳамда мижозга ўз мажбуриятларини бажариш учун имконият берилади. Мижоз ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Банк томонидан ушбу Тартибнинг 58-бандида кўрсатилган депозитар ячейкани очиш бўйича ҳаракатларни амалга оширилади.

57. Мижоз томонидан ижара шартномасида белгиланган муддат тугаганидан сўнг 3 ой давомида мижоз депозитар ячейкани бўшатиб бермаса, мижозга ёзма равишда хабарнома юборилган кундан бошлаб бир ой давомида бўшатилмаган депозитар ячейка Банкнинг ваколатли ходимлари томонидан очилади.

58. Депозитар ячейкани очиш ва мижознинг ундаги қимматликларини олиш учун Банк ўзининг ваколатли ходимларидан иборат махсус гуруҳ тузади. Депозитар ячейканинг очилиши гуруҳ аъзолари томонидан имзоланадиган Далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатномада ячейканинг очилиш вақти, санаси, очилиш сабаблари, ячейка очилишида

иштирок этувчилар депозитар ячейкага жойлаштирилган буюмларни ёзиб чиқадилар (батафсил рўйхат тузилади).

Мижозга депозитар ячейкаси очилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълумот берилиши лозим.

Банк очилган депозитар ячейкадан олинган қимматликлар ёки ҳужжатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ҳаракатларни амалга оширади.

59. Тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши натижасида ижара шартномаси муддатидан аввал суд қарори асосида бекор қилиниши мумкин.

60. Банк мијознинг вафот этганлиги сабабли ижара шартномасини бекор қилиши мумкин. Мијоз вафот этгандан кейин унинг омонатини меросхўрларига бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига асосан амалга оширилади.

61. Бекор қилинган ижара шартномалари мијозларнинг банкка келиб-кетишини рўйхатга олиш дафтарига белгилаб қўйилади.

62. Махсус йиғмажилддан орқа тарафида сана, ой ва йили кўрсатилган депозитар ячейка тугатилганлиги ва калитларни топширилганлиги тўғрисида белги қўйилган депозитар ячейка ижара шартномалари олинади. Юқорида кўрсатилган барча ҳужжатлар ўрнатилган тартибда архивга топширилади. Ҳужжатларни сақлаш муддати ижара шартномаси тугатилган кундан бошлаб 5 йил.